

ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ КОРХОНАЛАРИДА ХИЗМАТЛАРНИ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ КЛАСТЕРИ

Ж. Ў. Суюнов

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Реал иқтисодиёт” кафедраси таянч докторанти.

E-mail: jaloliddinsuynov@mail.ru; Тел.: +99899 005 76 31.

Аннотация

Ушбу мақолада озиқ-овқат савдоси хизматларини самарадорлик кўрсаткичлари, унга таъсир этувчи омиллар таҳлил этилиб самарадорликни эконометрик модели ва диверсификациялаш кластерини механизми таклиф этилган.

Калит сўзлар: савдо, корхона, хизмат, диверсификация, озиқ-овқат, миллий, бозор, истеъмолчи, фонд, чакана савдо, улгуржи савдо, бизнес, инвестиция, маркетинг, талаб, омил, самарадорлик, кластер, мобиль, эконометрика, стратегия .

Кластер диверсификации и показатели эффективности услуг на предприятиях торговли продуктами питания

Аннотация:

В данной статье анализируются показатели эффективности торговли продовольственными услугами, факторы, влияющие на нее, предлагается эконометрическая модель эффективности и механизм диверсификации кластера.

Ключевые слова: торговля, предприятие, сервис, диверсификация, продовольственный, национальный, рынок, потребительский, фонд, розничная торговля, оптовая торговля, бизнес, инвестиции, маркетинг, спрос, фактор, эффективность, кластер, мобильный, эконометрика, стратегия.

CLUSTER OF DIVERSIFICATION AND OF SERVICE EFFICIENCY INDICATORS IN FOOD TRADE ENTERPRISES

Abstract:

This article analyzes the performance indicators of trade in food services, the factors influencing it, proposes an econometric model of efficiency and a cluster diversification mechanism.

Keywords: trade, enterprise, service, diversification, food, national, market, consumer, fund, retail, wholesale, business, investment, marketing, demand, factor, efficiency, cluster, mobile, econometrics, strategy.

Кириш:

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификациялашнинг самарадорлигини ошириш пировард мақсад бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришишда ҳал этишда янгиланаётган Ўзбекистонда фаолият юритаётган озиқ-овқат савдоси корхоналари хизматларининг ролини ошириш муҳим устувор вазифалардан бўлиб, бу борада мамлакат миқёсида озиқ-овқат савдосини янада ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ички ва ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришини инобатга олган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга таклиф этишда савдо хизматларини тармоғини, йўналишларини кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификациялаш ва самарадорлигини ошириш масалалари хорижлик олимлар А.И.Брестский, М.А.Вахрушина, А.М.Гремонков, С.А.Атаманенко, К.В.Балдин, Г.Ю.Касьянов, Т.П.Карпова, Н.П.Кондраков, М.И.Кутер, Г.Н.Кабушинская, А.М.Гремонков, С.М.Левко, И.Д.Михалаки, Г.Н.Кабушинская, О.М.Петрушина кабиларнинг¹ илмий ишларида ўз аксини топган. Ушбу масалалар иқтисодий адабиётларда жуда кам ёритилган. Шу билан биргаликда, мамлакатимизда озиқ-овқат таварлари савдоси корхоналарида хизматларни диверсификациялашнинг самарадорлигини ошириш ҳамда уни амалиётга тадбиқ этиш кўп қиррали ва жуда ҳам мураккаб эканлиги сабабли пайдо бўладиган муаммоларнинг аксарияти назарий ва амалий жиҳатдан тўлиқ ўрганилмай қолмоқда.

Тадқиқот методологияси. Анализ ва синтез, индукция ва дедукция, кўп омилли ва динамик таққослаш, даврийлаштириш, иқтисодий-математик моделлаштириш усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Янгиланаётган Ўзбекистонда ”озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш талаб этадиган миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини янги босқичга кўтариш”² ни тақоза этмоқда. БМТ “Барқарор ривожланиш мақсадлари”ни мамлакатимизда изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон

¹ Disser.tsutmb.ru., <http://www.dissercat.com>., <http://www.dissercat.com>., dlin.rsl.ru/Coaderview., <http://pscgospace/cgiav/org>., <http://setd.ohiolink/edv>., Как торговаться на восточном базаре. / Авт. – сост. А.И.Брестский. М.: АСТ; Мн.: Харвест, 2006. – 96 с., Бухгалтерский учет в сфере услуг. Учебник. М.А.Вахрушина, Т.П.Карпова, А.М.Петров и др. - М.: Рид Групп, 2011. – 576 с., <http://setd.ohiolink/edv>., <http://www.dissercat.com>.

² Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021.- 161 б.

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сонли “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан 2030 йилгача бўлган даврда “Миллий мақсад ва вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш бўйича йўл харитаси” тасдиқланган ва унда 2030 йилгача бўлган даврда: фуқароларнинг ўта қашшоқлик шаклини бартараф этиш ва кам таъминланишнинг барча кўринишларини икки баробарга қисқартириш; аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилиги ва самарадорлигини кучайтириш; зарур ҳажмда овқатланишнинг юқори сифати ва баланслашганлигини таъминлаш ва тўйиб овқат емасликнинг барча шакллариغا барҳам бериш; озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш; қишлоқ инфратузилмаси, аграр тадқиқотлар, технологияларни ривожлантириш каби бир қатор вазифаларни амалга ошириш белгиланган.

Озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлиги биринчи навбатда аграр секторнинг салоҳиятига таянади. Гарчи 2000-2019 йилларда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи 34,4 дан 28,1, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўтган йилларга нисбатан йиллик ўсиш суръатлари 3,1 дан 2,5 %гача пасайган бўлсада, аграр сектор ҳамон мамлакат иқтисодиётининг йирик таянч тармоқларидан бири бўлиб қолмоқда .

1-жадвал Ўзбекистон Республикасида аграр сектор ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари динамикаси³

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2015 йил	2019 йил
Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг салмоғи, % да	34,4	29,5	32,9	34,1	28,1
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг йиллик ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан % да	103,1	105,4	106,3	106,1	102,5
Асосий капиталга киритилган инвестицияларда қишлоқ хўжалигининг салмоғи, % да	5,7	4,4	3,5	3,3	8,0

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш ва шу асосда озиқ-овқат таъминотини мустаҳкамлаш борасида муайян натижалар қўлга киритилди. Натижада асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошиб борди (1-жадвал).

³ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари асосида тузилган

2-жадвал

Республикада асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси (барча тоифадаги хўжаликларда),

минг тоннада⁴

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2015 йил	2019 йил	2019 й. 2010 й.га нисб., %
Дон, жами	3 929,4	6 401,8	7 404,1	8 173,5	7 187,4	182,9
ш.ж.: Буғдой	3 532,0	5 927,8	6 657,3	6 964,7	6 121,1	173,3
Картошка	731,1	924,2	1 693,9	2 696,9	2 950,9	403,6
Сабзавотлар	2 644,7	3517,5	6 346,5	10 129,3	9 945,5	376,1
Полиз	451,1	615,3	1 182,4	1 853,6	1 922,2	426,1
Мевалар	790,9	949,3	1 710,3	2 746,1	2 739,6	346,4
Узум	624,2	641,6	987,3	1 579,3	1 595,2	255,6
Гўшт (тирик вазн.)	841,0	1 061,2	1 461,4	2 033,4	2 465,0	293,1
сут	3 632,5	4 554,5	6 169,0	9 027,8	10 710,8	294,9
тухум, млн. дона	1 254,4	1 966,7	3 061,2	5 535,4	7 757,4	618,4
маълумот учун:						
Доимий аҳоли сони, минг киши	24 908,2	26 312,7	29 123,4	31 575,3	33 905,8	136,1
Жами экин майдони, минг гектар	3 778,3	3 647,5	3 708,4	3 694,2	3 319,7	87,9

Жадвал маълумотларини таҳлил этадиган бўлсак Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қараганда 2000-2019 йиллар оралиғида мамлакатимиз доимий аҳолиси сони 1,36 мартага ошиб, жами экин майдонлари ҳажми 12,1 %га қисқарган бўлишига қарамай, озиқ-овқат маҳсулотларидан буғдой ишлаб чиқариш 1,73, картошка 4,03, сабзавотлар 3,76, полиз 4,26, мевалар 3,46, узум 2,55, гўшт (тирик вазнда) 2,93, сут 2,95 ва тухум 6,18 мартага ошди. Энг муҳими бу ўсиш экстенсив омиллар эмас, балки ҳосилдорлик ва маҳсулдорлик каби интенсив омиллар таъсирида юз берди.

Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларнинг самарадорлигини ошириш давр талаби. Чунки, улар орқали турли ресурслар (ёқилғи, электр энергияси, хом ашё), аҳоли вақти тежалади, мамлакатимиз ғазнаси бойийди, бозор инфратузилмалари ўртасидаги муносабатлар ривожланади. Озиқ-овқат савдоси хизматлари корхоналарининг товар айланмаси, харажатлари ва якуний, ижобий молиявий натижаси ҳисобланган фойданинг шаклланишига қатор ташкилий-иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади. Бу омилларни натижавий кўрсаткичларга таъсири нуқтаи назаридан, ички ва ташқи,

⁴ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистик тўпламлари ва пресс-релизлари асосида тузилган.

шунингдек бевосита ва билвосита таъсир этувчи омилларга ажратишимиз мумкин (1-расм).

Озиқ-овқат савдо хизматлари корхона субъектларининг товар айланмаси ва фойдасига таъсир этувчи омиллар.

1-расм

№	Бевосита таъсир қилувчи омиллар	№	Билвосита таъсир қилувчи омиллар
	Ташқи савдо айланмаси, унинг таркиби		Давлатнинг халқаро миқёсдаги аҳволи
	Туризмнинг ривожланганлик даражаси		Халқаро муносабатлар
	Миллий иқтисодий прогнозлари (истеъмол ва жамғарма фондлари эластиклик коэффициенти)		Аҳолининг истеъмол маданияти
	Аҳоли сони, таркиби, даромадлари ва харид фонди		Мамлакат ва минтақадаги илмий техник тараккиёт даражаси
	Баҳо		Урбанизация
	Инновацион хизмат турлари		Хизмат савияси
	Товар айланмаси таркиби;		Табиий офатлар
	Товар захиралари, товарларнинг келиши ва товарсиз чиқимлар		Экологик омиллар
	Мобиль тармоқлар сони, уларнинг бандлилик даражаси		Мамлакатдаги сиёсий аҳвол
	Доставкалар сони ва улардан тушадиган ўртача тушум		Урушлар, пандемия ва шу каби ҳолатлар
	Бошқа бевосита омиллар		Бошқа билвосита омиллар

Юқоридаги омилларнинг айримлари озиқ-овқат савдоси хизматлар соҳаси субъектлари товар айланмаси, фойдаси ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиб, ушбу кўрсаткичларнинг ўсишига хизмат қилса, айримлари акс таъсир этади. Иқтисодий таҳлил омиллар таъсири даражасини сон ва сифат жиҳатдан ўрганишга ва улар асосида зарурий қарорлар қабул қилишга хизмат қилади.

Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматлар самарадорлигининг умумий кўрсаткичи товар айланмасининг харажатларга нисбати тарзида аниқланади. Яъни;

$$C = \frac{T}{X}; \quad (1)$$

Бу ерда,

C- самарадорлик, T- товар айланмаси, X – харажатлар.

Озиқ-овқат савдоси корхоналари хизматларининг фаолият самарадорлиги олдинга қўйилган мақсадга энг кам маблағ сарфлаб эришишни ифодалайди. Уларда самарадорлик қуйидаги кўрсаткичлар тизимлари орқали аниқланади:

- ишлаб чиқариш - технологик самарадорлик моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини ифодалайди ва фондлар қайтими, фондлар сиғими, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлар орқали аниқланади;

- ишлаб чиқариш - иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқаришнинг умумий натижавий кўрсаткичлари билан ўлчанади; ялпи маҳсулот қиймати, фойда, рентабеллик, харажатларнинг қопланиши. Озиқ-овқат савдоси хизматлар самарадорлиги бир қатор ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Улар фаолиятидан ташқарида умумий овқатланиш корхоналари маҳсулотлари ва кўрсатадиган хизматларига талаб шаклланади. Кўп жиҳатдан корхонанинг самарадорлиги айнан ташқи муҳитда шаклланадиган талабга боғлиқ бўлади.

Талабнинг шаклланиши эса корхонанинг ичидан туриб шакллантирилаётган сиёсатларга боғлиқ (нарх, реклама ва ҳоказо). Тўғри ташкил этилган товар сиёсати умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширади. Ташқи талабнинг шаклланишига кўмаклашади. Рекламанинг умумий овқатланиш хизматлари бозорида ўрни юқори. Шунинг учун ҳам реклама сиёсатига самарадорликни ошириш омили сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Тадқиқотимиз натижаларидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат савдоси хизматларининг самарадорлик тизимини қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлади деб топдик (2- расм):



2-расм. Озиқ-овқат савдоси корхоналар хизматлари самарадорлиги тизими¹.

Озиқ-овқат савдоси хизматларининг фаолият самарадорлиги тизимидан келиб чиққан ҳолда, улар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими шаклланади. Ушбу тизим кўрсаткичлари ўзида қуйидаги гуруҳларни ифода этади:

1. Умумхўжалик самарадорлиги кўрсаткичлари (харажатлар самарадорлиги, харажатлар рентабелиги);

2. Ресурслар самарадорлиги кўрсаткичлари;

А) асосий фондлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар (фондлар қайтими, фондлар сиғими, фондлар рентабелиги, ҳар бир ўриндиққа тўғри келадиган товар айланмаси ва фойда);

Б) айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар (айланма маблағлар айланиш тезлиги: кунларда, марталарда; айланма маблағлар рентабеллиги);

В) меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар (меҳнат унумдорлиги, ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда, иш ҳақи фондининг ҳар бир сўмига тўғри келадиган фойда);

Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларнинг самарадорлигини аниқлашда натижа кўрсаткичи сифатида чакана товар айланмаси олинади. Шунинг учун ҳам унинг таркибига кирувчи элементларни аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқдир.

Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларнинг чакана товар айланмасига қуйидагилар киради:

ўзида тайёрланган ярим фабрикатлар ва тайёр маҳсулотларни, шунингдек келтирилиб сотилаётган маҳсулотларни нақд пулга сотиш. Соҳага қарашли савдо дўконлари, бўлимлари ва бошқа савдо тармоқлари орқали сотилган ҳамда уйларга етказиб берилган товарлардан тушган тушум;

ўзида тайёрланган ярим фабрикатлар ва тайёр маҳсулотларни ижтимоий мақсадлардаги ҳуқуқий шахсларга пул кўчириш йўли орқали сотиш;

ўзида тайёрланган ярим фабрикатлар ва тайёр маҳсулотларни, шунингдек, келтирилиб сотилаётган маҳсулотларни келгусида маошдан ушлаб қолиш шарти билан ишчи, ходимларга сотиш;

гуллар, сувенирлар ва бошқа ноозиқ-овқат товарларини сотиш;


Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмида савдо хизматлари (553,1 млрд. сўмга), молиявий хизматлар (365,2 млрд. сўмга), транспорт хизматлари (332,0 млрд. сўмга) ҳамда таълим соҳасидаги хизматларда (180,0 млрд. сўмга) ўсиш кузатилди.

Янги Ўзбекистон Стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалар ва мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар аҳолининг тўлиқ маънодаги фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолиимизнинг янада фаолроқ, янада

ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим. Энг асосийси, бу ислохотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак. Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур. Бу ғоят долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди”, деб таъкидлади. Президентимиз ушбу Мурожаатномасида шу вақтгача ошқор этилмаган камбағаллик даражаси ҳақида ҳам “Охирги уч йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ижтимоий ислохотларни давом эттирамиз. Бунинг учун биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади. Худудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолиимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда”, деб таъкидлаб ўтди. Бундай натижаларда иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ҳам ажралмас қисми бўлган савдо соҳасининг ҳам муҳим ўрни бор.

Фаровон турмушни таъминлашда Президентимиз белгилаб берган йўналишлар жаҳон амалиётида бетакрор бўлиб, у фақат ўзимизга хос миллий характерга эгаллиги туфайли уни ифодаловчи кўрсаткичларнинг жамланмаси фаровон турмушни таъминлашнинг миллий моделини ташкил қилади. Чунки ушбу кўрсаткичлар бевосита мамлакат тараққиётининг 2022-2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистоннинг Янги Стратегиясида ўз аксини топган. Ушбу дастурий вазифаларни бажариш мақсадида кўплаб инновацион ташкилий тузулмаларни ҳам яратишни тақозо қилади. Булардан бири савдо кластерини ташкил этишдан иборатдир. Бугунги кунда жаҳонда хомашё эмас, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган иқтисодиёт етакчилиги қилмоқда. Бу йўналишда ташаббус кўрсатмаган, ички бозорда тайёр маҳсулот импортини камайитириш билан бирга экспорт салоҳиятини ошириш бўйича изланмаган давлат рақобатда ютқазиб қўйиши ҳеч гап эмаслигини ҳаётнинг ўзи такрор-такрор кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз ташаббуси билан амалиётга жорий қилинган кластер усули пахтачилик, тўқимачилик саноати билан бир қаторда озиқ-овқат савдоси соҳаси ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этиши табиий.

Ушбу заруратдан келиб чиқиб, озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификациялаш кластерини шакллантиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик (З-расм).



3-расм. Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификациялаш кластерининг тузилиши 5.

Озиқ-овқат савдоси хизматларни диверсификациялаш кластерининг асосий вазифаси аҳолига сифатли савдо хизмат-ларини кўрсатиш орқали тегишли товарларни ўз вақтида етказиб бериш эвазига аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини оширишдан иборат. Шу жиҳатдан савдо аҳоли фаровонлигининг муттасил ошиб боришига хизмат қилади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, аҳоли фаровонлиги ва савдонинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш мақсадида аҳолининг фаровон турмушини ифодалаш учун куйидаги кўрсаткичларни тавсия қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

- фаровон турмушни белгиловчи тинчлик-осойишталик, хавфсизлик, миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- фаровонлик, мўл-кўлчилик, қут барака, бозорларда арзончилик билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- инсон саломатлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражаси билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- маҳалланинг фаровонлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар.

⁵ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. М.: «Дашков» 2008. с 625.
- 2.Ефимова О.П. Экономика общественного питания. Минск. Новое знание, 2008.с.348.
3. Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник. - М.: ИВЦ «Маркетинг». 2003. с.683.
- 4.Кудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. Т.: «Fan va texnoloqiya», 2007. – 28
- 5.Кудратов Ғ.Ҳ., Мирзаев Ҳ.Ж., Пардаев М.Қ. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Рисола. Т.: «Fan va texnoloqiya», 2007. – 16 б.
6. Mustafayevich, Usanov Mehridin. "Educational Aspects of using Cloud-Based Network Services in Training Future Engineers." Spanish Journal of Innovation and Integrity 2 (2022): 13-19.
7. Mustafayevich, Usanov Mehridin. "Innovative technologies as a factor of development professional competence students." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3.7 (2022): 199-203.
8. Usanov, M. M. "Opportunities Use Of Cloud Technologies In The Educational Process." Electronic Journal Of Actual Problems Of Modern Science, Education And Training-2020.
9. J. Khamidov, and K. Akhadova. "THE ROLE OF MATHEMATICS IN THE FORMATION OF DESIGN COMPETENCE OF FUTURE ARCHITECTS AND BUILDING ENGINEERS" Science and innovation, vol. 2, no. A1, 2023, pp. 97-102. doi:10.5281/zenodo.7541432
10. Akhadova, K. S. "PROBLEMS OF DEVELOPING MATHEMATICAL COMPETENCIES OF FUTURE ENGINEERS." Academic research in educational sciences 3.3 (2022): 316-323.